

# Ҳаммомдаги улфатчилик

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



20:10 / 30.04.2019 10104

**Ассалому алайкум. Аёллар ва эркакларнинг ҳаммомда авратларини ёпишлари ҳақида сўрамоқчи эдим. Ёлғиз ўзлари бўлганларида ва жамоат бўлганларида қандай ҳолатда бўлишлари керак? Олдиндан жавобингиз учун раҳмат.**

**Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Аллоҳга шукрки, бугунги кунда жамоат ҳаммомларига эҳтиёж деярли қолмаган. Умуман олганда, мусулмонларнинг жамоат ҳаммомларига бормасликлари тавсия этилади. Хусусан, аёллар билан, ҳаттоки ўз аёли билан ҳам жамоат ҳаммомига бориш ҳаромдир. Бугунги кунда баъзи ёшларнинг «парланиб келиш» баҳонасида ҳаммомларда қилаётган улфатчиликлари эса шайтоний амаллардандир.

Авратни тўсиш масаласи ҳамма жой учун бир хил: уйдаими, кўчадами, ҳаммомдами, бассейндами, пляждами – фарқи йўқ.

Фақат ёлғиз чўмилаётганда, биров кўриб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ бўлса, авратни тўсмаслиги мумкин. Лекин, ҳатто шу ҳолатда ҳам, одоб юзасидан,

Аллоҳдан ва фаришталардан ҳаё қилиш маъносида жинсий аъзолар беркилгани афзал. *Валлоҳу аълам.*

**«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан**